

САНОАТ ИҚТИСОДИЁТИДА МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИЛАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАРНИ ДИВЕРСИКАЦИЯЛАШ ОМИЛИ СИФАТИДА

Давронбек Шарибжонович Рахимов

Фарғона давлат университети таянч докторанти

davronbek.raximov87@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мақолада мамлакатда диверсификациялашнинг инновацион стратегик мақсадлари тадқиқ қилинган, маҳаллийлаштириш дастурининг асосий натижаларидан бири ишлаб чиқилган, бозорни кенгайтириш ва сотиш ҳажмини кўпайтириш, импорт товарлари қисқаришининг омилларини ривожлантириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: диверсификация, маҳаллийлаштириш дастури, саноат кооперацияси, маҳаллий ресурслар, стратегик маркетинг, коронавирус пандемияси.

AS A FACTOR OF DIVERSIFICATION OF LOCALIZED PRODUCTS IN THE INDUSTRIAL ECONOMY

Davronbek Sharibjonovich Rakhimov

Fergana State University base doctoral student

davronbek.raximov87@gmail.com

ABSTRACT

The article explores the innovative strategic goals of diversification in the country, develops one of the main results of the localization program, develops scientific proposals and practical recommendations on expanding the market and increasing sales, developing factors for reducing imports.

Keywords: diversification, localization program, industrial cooperation, local resources, strategic marketing, coronavirus pandemic.

КИРИШ

Жаҳон иқтисодиётининг беқарорлиги шароитида ҳозирги иқтисодиётда бир хил турдаги фаолиятга асосланган саноатнинг ривожланиши хатарли ҳисобланади. Шу сабабли жаҳонда барча саноат маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар хатарларни бартараф қилиш мақсадида ўз бизнесини диверсификациялашни амалга оширадilar. Бугунги кунда Ўзбекистон саноат ишлаб чиқариши даражаси

бўйича кўплаб мезонлар ва рақобат мавқеини ҳисобга олган ҳолда саноати ривожланган мамлакатлар ва хом ашё экспортёрлари орасида ўз ўрнини топиб бормокда.

Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалиги тизимига ва УСТ га кириш стратегияси ҳалигача муҳим вазифа бўлиб турибди. Ўзбекистоннинг меҳнат тақсимоотида тор доирага ихтисослашганлиги (жаҳон ва минтақа даражасида), жаҳон товарлар бозоридан йироқдалиги, паст транспорт инфратузилмаси кабиларни ажратиш мумкин. Шундан келиб чиқиб, Президентнинг Мурожаатномасида: 2020 йилда 3 мингга яқин стандартларни қабул қилиш, уларнинг сонини 10 мингга ва халқаро стандартлар билан уйғунлашиш даражасини 40 фоизга етказиш даркорлиги, Андижон, Термиз ва Қўнғирот туманларида эркин савдо зоналарини ташкил этиб, улар орқали чегараолди савдосини ривожлантириш” зарурлиги каби вазифалар кўрсатилди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Саноатнинг диверсификациялашуви ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида 1950 йилларнинг ўрталаридан интенсив ривожлана бошлаган янги ҳодиса ҳисобланади. Янги илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига устувор инвестиция кўйилmalarининг Осиё, Европа ва Америка мамлакатлари томонидан амалга оширилиши оқибатида саноат ишлаб чиқаришининг диверсификация шароитидаги ижобий ўсиш суръатлари таъминланмоқда.

Ўзбекистонда ҳалигача ушбу соҳада тажриба етишмайди. Диверсификацияни намоен қиладиган хорижий тажрибани амалга оширишга айрим уринишларни ажратиш мумкин. Бироқ миллий саноат корхоналарида диверсификацияни қўллаш сифатини аниқлаш мураккаб.

Бугунги кунга келиб, илғор техника ва технологияларни, илмий тадқиқотлар натижаларини ўзлаштириш етарли эмас. Компаниялар капитални концентрациялашнинг кўп тарқалган шакли сифатида диверсификациялаш йўли билан ўз фаолиятларини кенгайтirmoқдалар.

Америка компанияларини интеграциялаш ва диверсификациялаш механизмининг дастлабки тадқиқотларидан бири 1962 йилда М.Горт томонидан, япон корхоналарини диверсификациялаш эса 1979 йилда Е.Есинара томонидан амалга оширилди.

Т. Кононинг фикрича, бир компаниянинг маҳсулоти жуда тор қўлланишга эга бўлса, бундай компания ихтисослашган компания ҳисобланади. Агар улар хилма-хил қўлланишини топса, диверсификациялашган компания бўлади. Бироқ бозор муносабатларининг ривожланиши аниқ олинган вақтда корхонани вақт динамикасида ихтисослашган корхона диверсификациялашганига ёки аксинча,

ўзгариши мумкинлиги сабабли биринчи ёки иккинчи турга мутлоқ ва нисбий жиҳатдан киритилишига мажбур қилади.

Тадқиқотнинг объекти – саноат ишлаб чиқаришини маҳаллийлаштириш бўйича комплекс тадбирларнинг амалга ошириш ишлаб чиқаришини диверсификациялаш жараёнида тажрибалари ва амалиёти.

Тадқиқот усуллари: расмий-мантқиқий, тарихий, тизимли.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, барқарор иқтисодий ўсишнинг энг муҳим гарови – рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, улар учун янги халқаро бозорлар топиш ва экспортни кўпайтириш, транзит салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг услубий асосини диалектиканинг асосий қоидалари ва тамойиллари ташкил этди. Саноат ишлаб чиқаришини диверсификациялаш жараёнларини ўрганишда оммавий ҳодиса ва воқеаларни миқдорий ўрганиш, яъни саноат тармоғи ишлаб чиқариши таркибига оид маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш услубига таянилди. Маълумотлардан хулоса чиқаришда мантиқий ва таққослама таҳлил, индукция ва дедукция, статистик гуруҳлаш, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув усулларидан фойдаланилган.


ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Коронавирус пандемияси таъсирида бошланган глобал иқтисодий инқирознинг ўзига хослиги, бир вақтнинг ўзида ички ва ташқи иқтисодий шароитларнинг ёмонлашуви, шунингдек, ялпи талаб ва ялпи тақлиф шокларининг бир пайтда юзага келганлиги билан изоҳланади. 2020 йил II чорагидан бошлаб жаҳон иқтисодиётида, шу жумладан, асосий савдо ҳамкорларимизда иқтисодий фаолликнинг кескин секинлашиши, хомашё нархларининг тушиб кетиши фонида иқтисодий пасайиш тенденцияси кузатила бошланди. 2020 йилнинг I чорагида иқтисодиётимизда ижобий ўсиш суръатлари кузатилган бўлса, март ойининг иккинчи ярмидан бошлаб коронавирус инфекциясининг тарқалиши ва унга қарши курашиш борасида жорий этилган қатъий карантин чекловлари таъсирида ички иқтисодий фаолликнинг пасайиши, шунингдек, асосий савдо ҳамкорларимиздаги иқтисодий пасайиш ва транспорт-логистика соҳасидаги узилишлар сабабли экспорт товарларимизга бўлган ташқи талабнинг қисқариши кузатилди.

2019 йилда ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 264,4 трлн. Сўмни ёки жами саноат маҳсулотларининг 79,9% ини ташкил этди.

Ўтган йилнинг мос даври билан солиштирганда, ишлаб чиқарадиган саноат таркибида юқори технологияли тармоқнинг улуши 1,6% ни (2017 йил – 1,9%,

2018 йил -1,4%), ўрта юқори технологияли 25,3% (мос равишда 27,1%, 27,8%), ўрта қуйи технологияли 37,5% (мос равишда 27%, 32,1%) ва қуйи технологияли 35,5% (мос равишда 49,4%, 38,7%) ни ташкил этди.



Қайта ишлаш саноати маҳсулотларининг ўсишида катта ҳиссани республиканинг ўрта юқори технологияли тармоқлари киритди – 9,6%, 2018 йилга нисбатан унинг ўсиш суръати 138,8% ни ташкил этди. Қишлоқ хўжалигига тақдим қилинадиган қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқаришини маҳаллийлаштириш бўйича комплекс тадбирларнинг амалга оширилиши ҳам республиканинг ўрта юқори технологияли ишлаб чиқариши маҳсулотларининг ўсишига олиб келди. Йирик корхоналар томонидан 2017 йилга нисбатан культиваторлар ишлаб чиқариши 64,5 мартага, тракторлар 3,4 мартага, дон ўриш комбайнлари ишлаб чиқариш 19,4% га ўсди.

Саноат кооперацияси асосида амалга оширилаётган тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материалларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳажмларини ошириш бўйича чора-тадбирларининг амалга оширилиши, корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти учун зарур бўлган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг ўсиши ва импорт товарлари қисқаришининг омилларидан бири ҳисобланади. Республика саноат ишлаб чиқаришининг ривожланишига тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришини маҳаллийлаштириш Дастурини амалга ошириш ҳам ёрдам бериб, унинг доирасида 839 та лойиҳа бўйича 21,8 трлн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган бўлиб, бу жами саноат маҳсулотининг 6,6% ини ташкил этди. 549,4 млн. АҚШ долл.га тенг маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар экспорт қилинди, бу жами республика экспортининг 3,1% ини ташкил этди.

Карантин талаблари жорий этилиши натижасида 72500 та саноат корхонасидан 16700 таси ўз фаолиятини вақтинча тўхтатган эди, 16600 та корхонада ишлаб чиқариш жараёни тикланди. 2020 йил давомида республикамиз саноат корхоналари томонидан умумий қиймати 11 млрд. долл. бўлган лойиҳалар ишга туширилмоқда. Ана шундай йирик лойиҳалар қаторида янги Тошкент металлургия заводида йилига 500 минг тонна металл прокати ишлаб чиқариш лойиҳасини, “Навоийазот” корхонасида йилига 500 минг тонна азот кислотаси ва

100 минг тонна поливинилхлорид ишлаб чиқарадиган заводлар фойдаланишга топширилди. Янгитдан барпо этилаётган “Ўзбекистон ЖТЛ” заводида “Шўртангазкимё” мажмуасининг метан газидан асосида йилига 1,5 млн. тонна синтетик ёқилғи олиш йўлга қўйилмоқда. Олмалик металлургия комбинатида рангли ва қимматбаҳо металллар тайёрлашни уч баробар кўпайтиришга доир, шунингдек, нефть, кимё, электротехника, қурилиш материаллари саноати, фармацевтика, тўқимачилик, чарм-пойабзал ва бошқа тармоқлар бўйича ҳам йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Бозор муносабатлари ривожланиши шароитида Ўзбекистон стратегияси иқтисодиёт тармоқларини диверсификациялаш ва хом ашёга йўналтирилган ривожланишдан воз кечиш йўли билан мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишига эришиш, мамлакатни жаҳоннинг рақобатбардош мамлакатлари қаторига киритишдек стратегик иқтисодий мақсадга бўйсундирилган. Шундай қилиб, диверсификациялашга мамлакатнинг инновацион стратегик мақсадларига эришиш усуллари билан бири сифатида қараш мумкин.

Турли муаллифлар диверсификация орқали стратегик муаммоларни ҳал қилишга корхоналарни йўналтиришнинг асосий сабабларини келтиришга уринадилар. Бироқ қатор исботланган ёндашувларни ажратиш мумкин бўлиб, улар асосида маҳсулотлар ассортиментини ва номланиши, капитал қўйиш соҳаларининг кенгайиши белгиловчи унсурлар ҳисобланади. Ишлаб чиқаришни диверсификациялашнинг мақсади корхонанинг молиявий ва ишлаб чиқариш мустақиллигига бевосита боғлиқ. Бундан ташқари, аниқ ишлаб чиқариш тармоғининг барқарорлиги қисқа ва узок муддатли даврда хатарлилигича қолмоқда. Шундай қилиб, турли корхоналарнинг молиявий имкониятлари (зарарли, ўртача ва илғор) “шунчаки омон қолиш” дан тортиб, стратегик альянслар ташкил қилишга қадар турли стратегияларга эга.

Халқаро, республика ва маҳаллий бозорларга янги, маҳаллийлаштирилаётган маҳсулот билан кириш, ўз ўрнини эгаллаш, рақобат муҳитида фаолият юритиш, бозорни кенгайтириш ва сотиш ҳажмини кўпайтириш, истеъмолчиларнинг мавжуд ва янги эҳтиёжларига мувофиқ бўлган, сифатли, рақобатчилардан арзон бўлган товарларни ишлаб чиқаришга бўйича узок муддатга мўлжалланган корхона сиёсатини ишлаб чиқиш.

Стратегик маркетинг корхонани даромадлиги, бозордаги барқарорлиги ва ривожланишини таъминлашга йўналтирилган иқтисодий имкониятлар, жумладан, маҳаллий ресурслардан ва ички захиралардан самарали фойдаланишга хизмат қилади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ID-9413-сон “Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепцияси тўғрисида” ги қарори.
2. Глазьев С.Ю. Теория долгосрочного технико-экономического развития [Текст] / С. Ю. Глазьев. – М. : ВладДар, 1993.
3. Gort Diversification and Integration in American Industry (Journal). //Princeton, NJ: Princeton University Press, 1962.
4. Ansoff I., McDonell E. Implanting Strategic Management. Prentice Hall, 1990. — 568 p.
5. www.stat.uz
6. Shayxislamov, N. (2021). BADIY NUTQDA “ISHLAMAYDIGAN” SO ‘ZLARNING LINGVOPOETIK XUSUSIYATLARI. *Scientific progress*, 1(6).
7. Мирзакаримова, М., & Азимова, Л. (2020). МЕХНАТ ИҚТИСОДИЁТИ ИННОВАЦИОН ТАРАҚҚИЙ ЭТГАН МАМЛАКАТЛАРДА ЗАМОНАВИЙ БАНДЛИК ШАКЛЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ. *Иқтисодиётда инновация*, 1(3).
8. Mirzakarimova, M., & Pardaeva, B. (2020). COMPARATIVE ANALYSIS OF STRUCTURAL SHIFTS IN EMPLOYMENT IN THE REGION FERGANA. *Theoretical & Applied Science*, (1), 385-391.
9. Mirzakarimova, M., & Azimova, L. (2019). Foreign experience in creating employment structure and ways to apply it in Uzbekistan. *International Journal of Research in Social Sciences*, 9(1), 903-918.
10. Рахимов, Д. (2019). Свободно-экономические зоны-расширение экспортного потенциала Узбекистана. *Архивариус*, (12 (45)).
11. Хакимов, Д. Р. (2019). Стратегические задачи по развитию государственно-частного партнерства. *Образование и наука в России и за рубежом*, (16), 158-161.
12. Мирзакаримова, М., & Кулматов, А. (2019). «АХБОРОТЛАШГАН ИҚТИСОДИЁТ» ТУШУНЧАСИНИНГ НАЗАРИЙ–УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ. *Экономика и финансы (Узбекистан)*, (2).
13. Мирзакаримова, М. М., & Азимова, Л. (2018). БАНДЛИК БЕҚАРОРЛИГИ (ПРЕКАРИЗАЦИЯ) ВА УНИНГ ЁЛЛАНМА ИШЧИЛАР ИЖТимоий-ИҚТИСОДИЙ АҲВОЛИГА ТАЪСИРИ. *Экономика и финансы (Узбекистан)*, (1).
14. Umarov, O., & Khakimov, D. (2020). CONCEPT OF GUARANTEED DEVELOPMENT OF ENCLAVE TERRITORIES. *Экономика и социум*, (6), 265-268.
15. Rahmonaliyevich, K. D. (2020). Role Of Innovation In The Economy. *The American Journal of Management and Economics Innovations*, 2(09), 43-47.

